

<b>Инвестицион лойиҳаларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатлар Рўйҳати</b>	
1	ариза - кредит миқдори, фойдаланиш муддати, мақсади, фоизи, таъминоти кўрсатилган ҳамда у ҳақидаги маълумотларни кредит бюроси ва гаров реестрига берилишига розилиги акс эттирилган кредит буюртманомаси
2	кредит олувчининг ваколатли органи(таъсисчилари, акциядорлар ва кузатув кенгашлари)нинг кредит олиш бўйича йиғилиш қарори ёки розилигини билдирувчи ёзма рухсати. Ваколатларни текшириш учун охириги киритилган ўзгартиришлар билан бирга қарз олувчининг таъсис ҳужжатлари нусхаси. Агар фаолият тури махсус лицензия талаб этувчи рўйхатга кирса, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи лицензия (ишлаб чиқариш бошлангунча лицензия олиш имконияти бўлмаганда лицензия олишга тегишли маълумот тақдим этиш лозим)
3	охириги ҳисобот даври учун Давлат солиқ идораларига топширилган молиявий ҳисоботлари (1-сон шакл: бухгалтерия баланси, 2-сон шакл: молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот), заруриятга кўра тезкор (оператив) молиявий маълумотларини (1-;2-сон шакллар) ҳамда муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мавжуд бўлган ҳолатда уларнинг ёйилмаси (зарурат туғилганда муддати ўтган қарзлар бўйича солиштирма далолатномалари)
4	агар қарз олувчининг бошқа кредит ташкилот (банк)ларида ҳисобрақам ва мажбуриятлари мавжуд бўлса, ушбу кредит ташкилоти (банк)дан маълумотнома (мижознинг ҳисобварақлардаги охириги 6 ойлик айланмаси, кредит ташкилоти (банк) олдидаги ссуда ва бошқа қарздорликлари, Картотека- қарздорлиги ва пул қолдиқлари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади) ва айланмалардан кўчирмалар илова қилинади
5	ўз табдиркорлик фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган савдо, ишлаб чиқариш жойи мавжудлиги бўйича ҳужжатлар (кадастр ҳужжатлари ёки ижара шартномаси нусхаси).
6	лойиҳа ТИА(ТЭО)си ёки бизнес - режа
7	тўлиқ ҳусусияти билан ускуна етказиб беришга контракт (лойиҳа контракти). Ускуна ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси ҳақида маълумот
8	Ўхшаш усқунанинг таққослаш таснифи, рақобат варақаси (нархи, унумдорлиги ва бошқалар) шунингдек усқуна билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг хом-ашё базаси мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилади. (сўм валютада ифодаланади). Бунда лойиҳадаги қиймати 100 минг АҚШ доллар эквивалентидан юқори бўлган асбоб-усқуна, техника ва технологиялар сотиб олиш юзасидан имзоланган импорт шартномасига халқаро стандартлар талабларига мувофиқ аккредитация қилинган ташкилотлардан ҳамда 500 000 АҚШ доллардан юқори бўлган импорт шартномасига “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУҚдан хулоса олиними лозим.
9	кредит шартномаси ва тегишли ҳужжатларга имзо чекувчи шахсларнинг имзо чекиш ҳуқуқлари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар
10	хом ашё ва материаллар етказиб беришга шартномалар (лойиҳа, аҳдлашув баёнлари)
11	қурилиш (реконструкция, кенгайтириш, тех.жиҳозлаш) учун лойиҳа-смета ҳужжатлари. Мажмуали экспертиза ўтказиш пайтида лойиҳа-смета ҳужжатлари тақдим этиш имконияти бўлмаган ҳолда қурилишга дастлабки сметаларни тақдим этиш лозим. Бунда якуний лойиҳа-смета ҳужжатлари молиялаштириш очишга тақдим этилади
12	қурилиш учун ер ажратиш ҳужжатлари (зарур бўлганда)
13	давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ижобий экологик экспертиза хулосаси (хулоса талаб қилинадиган лойиҳалар учун)
	Ушбу рўйхат кредитнинг берилишини кўриб чиқиш учун зарур бўлган якуний рўйхат ҳисобланмайди. Банк зурур ҳолларда ушбу лойиҳа юзасидан бошқа ҳар қандай ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.
<b>Мол-мулк гарови бўлганда:</b>	
1	Агар гаровга қўювчи юридик шахс бўлса, ваколатли органи (таъсисчилари)нинг ёки мол-мулкнинг эгасининг кредит таъминоти сифатида мол-мулкни гаровга қўйиш бўйича йиғилиш қарори (гаровга қўйишга розилиги) ҳамда гаровга қўювчининг таъсис ҳужжатлари нусхаси
2	Гаров мулкни бозор қиймати бўйича баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш ҳисоботи
3	Мулк бўйича ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлари (Гувоҳнома/кадастр/олди-сотди шартномаси/ГТД/қабул қилиш далолатномалари/машина ва усқуналарнинг техник паспортининг асл нусхаси)
<b>Учинчи шахс (юридик) кафиллиги бўлганда:</b>	
1	кафилнинг ваколатли органи(таъсисчилари, акциядорлар ва кузатув кенгашлари)нинг олинаётган кредит учун кафиллик бериш розилиги бўйича йиғилиш қарори. Ваколатларни текшириш учун охириги киритилган барча ўзгартиришлар билан бирга қарз олувчининг таъсис ҳужжатлари нусхаси (устав ва таъсис шартномалари нусхаси)
2	охириги ҳисобот даври учун Давлат солиқ идораларига топширилган молиявий ҳисоботлари (1-сон шакл: бухгалтерия баланси, 2-сон шакл: молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот), заруриятга кўра тезкор (оператив) молиявий маълумотларини (1-;2-сон шакллар) ҳамда муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд бўлганда, уларнинг ёйилмаси (зарурат туғилганда муддати ўтган қарзлар бўйича солиштирма далолатномалари) ҳамда бухгалтерия балансига аудиторлик хулосаси
3	агар кафилга бошқа банк томонидан хизмат кўрсатилса, хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисобварақлари тўғрисида маълумотнома (мижознинг ҳисобварақлардаги охириги 6 ойлик айланмаси, банк олдидаги ссуда ва бошқа қарздорликлари, Картотека-қарздорлиги ва пул қолдиқлари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади)
4	кафиллик шартномасига имзо чекувчи шахсларнинг имзо чекиш ҳуқуқлари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар